



## ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Шарипова Бибижон Бахтиёровна**

Хоразм вилояти педагогларни янги  
методикаларга ўргатиш миллий маркази

**Аннотация.** Ушбу мақолада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 85-мақсадига эришиш вазифалари, аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари, даромадлар сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, аҳоли турмуш даражасини ошириш йўналишлари, Ўзбекистонда аҳолининг узоқ муддатли даврда фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасини ҳозирги ҳолати таҳлили ва истиқболлари ёритилган.

**Таянч иборалар:** аҳоли турмуш даражаси, фаровонлик, камбағаллик, ижтимоий ҳимоя, аҳолининг узоқ муддатли даврда фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиши, прогноз, корреляция коэффициенти, регрессия тенгламаси.

## ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

**Шарипова Бибижон Бахтиёровна**

Хорезмский областной национальный центр  
обучения педагогов новым методикам

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены задачи достижения 85-й цели стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, основные показатели уровня жизни населения, основные принципы и тенденции роста доходов, направления повышения уровня жизни населения. Кроме того, в статье раскрывается современное состояние уровня и перспективы обеспечения населения товарами долгосрочного пользования в Узбекистане.

**Ключевые слова:** уровень жизни населения, благосостояние, бедность, социальная защита, долгосрочное обеспечение населения товарами, прогноз, коэффициент корреляции, уравнение регрессии.

## PRIORITY FOCUS AREAS AND PROSPECTS FOR IMPROVING THE LIVING STANDARD OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN

**Sharipova Bibijon Bakhtiorovna**

Khorezm Regional National Center  
for Teacher Training in New Teaching Technique

**Abstract.** This article considers the tasks of achieving the 85th goal of the development strategy of New Uzbekistan for the years 2022-2026, the main indicators of the population's living standard, the basic principles and trends of income growth, focus areas of enhancing the living standard of the population. Moreover, the article reveals the current situation of the level of supply of goods and prospects for the long-term use of the population in Uzbekistan.

**Key words:** living standards of the population, well-being, poverty, social protection, long-term supply of goods to the population, forecast, correlation coefficient, regression equation.

**Кириш.**

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Мазкур стратегиянинг 85-мақсади “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш” деб номланиб, шу мақсадга эришишда қуйидаги вазифалар белгилаб берилган (1-расм).

**Биринчидан**

- камбағалликни қисқартириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**Иккинчидан**

- норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш;

**Учинчидан**

- аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баравар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

**Тўртинчидан**

- давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда маҳаллий даражада («маҳаллабай» тамойили асосида) ижтимоий ишларни олиб бориш механизмини йўлга қўйиш;

**Бешинчидан**

- ҳудудлар, шаҳарлар ва туманлар кесимида камбағал тоифадаги оилалар, аёллар ва ёшларни ягона электрон ҳисобга олиш тизимини яратиш, камбағалликнинг қайта тикланиш хавфини бартараф этиш. Ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш;

**Олтинчидан**


- ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча эҳтиёжманд аҳолининг камида 85 фоизини ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва аҳоли қатламларига, шунингдек, вақтинчалик оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга тўғридан-тўғри давлат ижтимоий ёрдамини кўрсатиш.

**1-расм. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 85-мақсадига эришиш вазифалари<sup>140</sup>**

Аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири аҳоли даромадлари ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражаси бу аҳолининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда улар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражасидир.

Аҳоли турмуш даражасининг БМТ томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидаги гуруҳларни олади (2-расм):

<sup>140</sup> 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси




**2-расм. Аҳоли турмуш даражасининг БМТ томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари<sup>141</sup>**

Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари яна баъзи бир ахборотга оид кўрсаткичлар ҳам ажратиб кўрсатилади: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад, аҳоли жон бошига тўғри келувчи истеъмол ҳажми ва бошқалар.

### Адабиётлар шарҳи.

Турмуш даражаси кишиларнинг турмуш тарзи билан узвий боғлиқ. “Турмуш тарзи – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс)нинг миллий ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усулларини акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория” (Шодмонов, Ғофуров, 2010). Турмуш тарзи инсон ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади, яъни (3-расм):



**3-расм. Турмуш тарзи қамраб оладиган инсон ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатлари<sup>142</sup>**

<sup>141</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>142</sup> Муаллиф ишланмаси.

Абдурахмонов (2009) аҳолининг иқтисодий фаровонлигига қуйидагича таъриф берган: “Иқтисодий фаровонлиги деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади”. Абдуллаев (1998) томонидан чоп этилган “Макроиқтисодий статистика” китобида “Аҳоли иқтисодий фаровонлиги — ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маънавий- маърифий эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиш даражасини тавсифлайди”, деб таъриф берган.

### Тадқиқот методологияси.

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш моделлаштириш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Аҳолининг иқтисодий фаровонлиги – бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуидир (Abdurahmonov, Abduramanov, 2011). Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий фаровонлиги жамиятда яшовчи инсон эҳтиёжларининг ривожланиши ва қондирилиши даражасидан иборат бўлиб, у турли неъматларнинг истеъмол қилиниши ёки истеъмол учун олинганларининг фойдалилик даражаси билан белгиланади.

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг муҳим қисмларидан бири бу жамиятда даромадлар сиёсати ҳисобланади. Мамлакатда амалга ошириладиган даромадлар сиёсатининг асосий мақсади – аҳоли турмуш фаровонлиги ва ривожланишини ошириш ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга интилишини рағбатлантиришдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун даромадлар сиёсати қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши керак (4-расм).

- |   |  |
|---|--|
| 1 | •– аҳолининг кам таъминланган қатламларининг турмуш даражасини барқарорлаштириш;   |
| 2 | •– қашшоқлик миқёсларини қисқартириш;  |
| 3 | •– аҳоли даромадлари нотекис тақсимланишининг ўсишини ҳамда жамиятнинг нотекис тақсимлашувини тўхтатиш;  |
| 4 | •– аҳоли пул даромадлари таркибидаги чуқур деформацияларни бартараф қилиш;   |
| 4 | •– меҳнатга ҳақ тўлашнинг даромадларнинг асосий манбаи ва ходимлар иқтисодий фаоллигининг энг муҳим рағбатлантирувчи омили сифатидаги ролини ошириш; |
| 5 | •– кенг халқ оммасининг турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш.   |

4-расм. Мамлакатда амалга ошириладиган даромадлар сиёсатининг асосий вазифалари<sup>143</sup>

<sup>143</sup> Муаллиф ишланмаси.

Давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим қисми сифатида даромадлар сиёсати қуйидаги асосий тамойиллардан ташкил топади (5-расм).

- 1 •ходимнинг ўз меҳнат қобилиятини намоён қилиш эркинлиги, фаолият тури ва касбини танлаш эркинлиги;
- 2 •меҳнага ҳақ тўлашни меҳнатнинг бозордаги қиймат асосида шакллантириш;
- 3 •жисмоний шахслар томонидан қонуний асосларда олинувчи даромадларнинг чекловларига йўқ қўймаслик;
- 4 •меҳнат фаолиятдан ва мулкдан келадиган даромадларга ягона ҳуқуқий ёндошув;
- 5 •меҳнатга лаёқатсиз аҳоли учун манзилли ижтимоий моддий ёрдам кўрсатиш;
- 6 •ишловчи аҳолининг давлат томонидан, шу жумладан, ишсизлик бўлиб қолса, ижтимоий суғурталаш.

### 5-расм. Даромадлар сиёсатининг асосий тамойиллари<sup>144</sup>

Даромадлар сиёсати қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади (6-расм).

- 1 •энг кам озиқ-овқат ва истеъмол саватлари, энг кам миқдордаги тирикчилик бюджети; энг кам иш ҳақи, бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун ягона тариф сеткаси ва биринчи разряд тариф меъёри каби давлат ижтимоий стандартларини белгилаш орқали меҳнатга ҳақ тўлаш ўлчамларига таъсир қилиш;
- 2 •тирикчилик минимуми бюджетларини белгилашда мамлакат ҳудудини зоналаштириш асосида, шунингдек, иш ҳақиға туман коэффицентларини ва иш стажлари учун устама ҳақларни ўрнатиш асосида даромадлар ва иш ҳақини минтақавий равишда тартибга солиш;
- 3 •ижтимоий шерикчилик тизимидаги даромадлар ва иш ҳақини тартибга солиш;
- 4 •олинаётган даромадлар миқдорига солиққа тортиш тизими билан таъсир кўрсатиш;
- 5 •пенсия таъминотини унинг қонуний регламентациясини, шунингдек, пенсияларнинг энг кам миқдорини белгилаш йўли билан тартибга солиш;
- 6 •аҳоли учун бандлик соҳасидаги ижтимоий кафолатлар, ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- 7 •меҳнат муҳофазаси тизимини ислоҳ қилиш, ноқулай меҳнат шароитлари учун имтиёз ва бадаллар тизимидан хавфсизлик даражасини ошириш ва меҳнат шароитларини соғломлаштириш тизимига босқичма-босқич ўтиш;
- 8 •меҳнатга лаёқатни, иш ҳақини, ишни йўқотиш билан боғлиқ касбий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш борасидаги кафолатларни таъминлаш йўналишида давлат ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш;
- 9 •соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, уй-жой коммунал хизмати соҳаларида аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш кафолатлари.

### 6-расм. Даромадлар сиёсатининг асосий йўналишлари<sup>145</sup>

<sup>144</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>145</sup> Муаллиф ишланмаси.

Даромадлар сиёсатининг механизми шундан иборатки, у қонунлар, ҳукумат қарорлари орқали қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

–аҳоли турмуш даражасини давлатнинг минимал ижтимоий стандартлари тизими билан тартибга солиш;

–фуқароларнинг даромадлар ва иш ҳақлари соҳасидаги конституциявий кафолатларини таъминлаш учун бюджет маблағларининг миқдорини ва реализациясини белгилаш;

–жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортиш тизими билан олинаётган даромад миқдорларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш;

–ижтимоий шерикчилик тизимида бош, минтақавий, тармоқ (тармоқлараро) тариф, касбий тариф, ҳудудий ва бошқа битимлар тузишда музокаралар жараёнида иштирок етиш;

–тармоқ ва минтақавий ижтимоий дастурларни қабул қилиш.

Ҳар қандай мамлакатда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошиб бораётганлигини унинг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасидан келиб чиқиш мумкин. Ўзбекистонда аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Энди вақт омилининг таъсири остида Ўзбекистонда аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасини истиқболдаги давр учун прогноз қиламиз.

#### 1-жадвал

#### Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиши (ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)<sup>146</sup>

Йиллар	t	Теле-визорлар, дона	Совут-гич ва музлат-гичлар, дона	Кондиционерлар, дона	Электр чанг-ютгичлар, дона	Шахсий компьютерлар, дона	Кир ювиш машиналари, дона	Мобил телефонлар, дона	Енгил автомобиллар, дона
2010	1	132	99	19	37	12	75	145	21
2011	2	133	100	20	38	16	77	158	24
2012	3	136	100	27	45	22	78	186	27
2013	4	146	100	29	51	32	78	210	35
2014	5	151	101	30	51	37	78	228	41
2015	6	152	101	32	53	47	79	234	42
2016	7	153	102	34	54	49	80	246	43
2017	8	154	101	34	54	50	80	257	44
2018	9	155	103	35	55	52	81	262	44
2019	10	160	106	39	58	55	89	282	47
2020	11	162	107	40	60	60	90	287	49
2021	12	170	114	43	64	63	94	308	53

Кейинчалик аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар и ҳажмини натижавий кўрсаткич сифатида эконометрик моделга киритиб, уни “Y” билан белгиладик. Функцияга таъсир этувчи омил сифатида X – вақт омили, йил қабул

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги (stat.uz) маълумотлари.

қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг 2011-2021 йиллардаги юқоридаги жадвалда кўрсатилган маълумотлар асосида Microsoft Excel дастурида қуйидаги эконометрик модел ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал

**Вақт омили ва мамлакатда аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар сонининг истиқболли давр учун ўсиш функциялари<sup>147</sup>**

Кўрсаткичлар номи	a0	b0	Y	R (корреляция коэфти)	F (Фишер мезони)	t- (Стъюдент мезони)
Телевизорлар, дона	129,83	3,15	$Y=129,83+3,15 \times t$	0,97	141,84	23,02
Совутгич ва музлатгичлар, дона	96,36	0,99	$Y=96,36+0,99 \times t$	0,84	24,00	9,16
Кондиционерлар, дона	18,67	2,02	$Y=18,67+2,02 \times t$	0,97	184,07	26,27
Электр чангютгичлар, дона	37,67	2,15	$Y=37,67+2,15 \times t$	0,95	95,75	18,84
Шахсий компьютерлар, дона	11,03	4,65	$Y=11,03+4,65 \times t$	0,97	173,72	25,52
Кир ювиш машиналари, дона	71,92	1,49	$Y=71,92+1,49 \times t$	0,89	39,90	11,98
Мобил телефонлар, дона	143,05	13,92	$Y=143,05+13,92 \times t$	0,98	308,08	34,08
Енгил автомобиллар, дона	21,63	2,69	$Y=21,63+2,69 \times t$	0,95	98,40	19,11

Юқоридагидан кўришимиз мумкинки, R бу корреляция коэффиенти бўлиб, у омиллар ўртисидagi боғланиш зичлигини кўрсатади. Яъни, омил кўрсаткич – вақт (йиллар), натижавий кўрсаткич сифатида мамлакатда аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар сони ўртасидagi боғланиш зичлиги жуда кучли эканлигини кўриб турибмиз.

Фишер мезони кийматлари жадвалига асосан кузатувлар сони 12 та ва омиллар сони 1 та бўлганда унинг қиймати 4,75 га тенг. Моделимиздаги барча узоқ муддатли даврда фойдаланиладиган товарлар функциясининг қиймати бу рақамдан катта. Демак, моделимизнинг ишончлилик даражаси жуда юқори.

Регрессион модел адекватлиги регрессия тенгламаси параметрлари ва чизиқли корреляция коэффицентининг аҳамиятлилигини текшириш орқали амалга оширилади. Бунинг учун Стъюдентнинг t-меъзонидан фойдаланилади.

Юқорида таъкидлагинмиздек, t-меъзоннинг ҳақиқий ва Стъюдент жадвалидаги қийматларини таққослаш орқали модел адекватлигига баҳо берилади. Модел адекват бўлиши учун:

$$t_{\text{ҳақиқий}} > t_{\text{жадвал}} \text{ бўлиши керак}$$

Стъюдентнинг t-мезони ҳисобланган ( $t_{\text{ҳисоб}}$ ) ва жадвал ( $t_{\text{жадвал}}$ ) қийматларини таққослаб,  $H_0$  гипотеза қабул қилинади. Бунинг учун t-мезоннинг жадвал қийматини танланган ишончлилик эҳтимоли ( $\alpha$ ) ва озодлик даражаси ( $d.f. = n - m - 1$ ) шартлар асосида топилади. Бу ерда  $n$  – кузатувлар сони;  $m$  – омиллар сони.

2-жадвал маълумотларига асосан ишончлилик эҳтимоли  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражаси  $d.f. = 12 - 1 - 1 = 10$  бўлганда, t-мезонинг жадвал қиймати  $t_{\text{жадвал}} = 1.8125$  га тенг. Барча ҳисобланган t-мезонинг қийматлари жадвал қийматларидан катта бўлганлиги боис модель параметрлари адекват, деб топилади.

<sup>147</sup> Муаллиф ишланмаси.

## 3-жадвал

Мамлакатда аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар сонини тренд функцияси орқали аниқланган прогноз кўрсаткичлари<sup>148</sup>

Йиллар	t	Телевизорлар, дона	Совутгич ва музлатгичлар, дона	Кондиционерлар, дона	Электр чангютгичлар, дона	Шахсий компьютерлар, дона	Кир ювиш машиналари, дона	Мобил телефонлар, дона	Енгил автомобиллар, дона
2022	13	171	109	45	66	71	91	324	57
2023	14	174	110	47	68	76	93	338	59
2024	15	177	111	49	70	81	94	352	62
2025	16	180	112	51	72	85	96	366	65
2026	17	183	113	53	74	90	97	380	67
2027	18	187	114	55	76	95	99	394	70
2028	19	190	115	57	79	99	100	408	73
2029	20	193	116	59	81	104	102	422	75
2030	21	196	117	61	83	109	103	435	78

3-жадвалдан кўришиб турибдики, мамлакатимизда ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражаси барқарор даражада ошиб борапти. Хусусан, 2030 йилга бориб, 2021 йилга нисбатан мамлакатимизда ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган телевизорлар сони 1,15 баробарга, совутгич ва музлатгичлар сони 1,03 баробарга, кондиционерлар сони 1,42 баробарга, электр чангютгичлар сони 1,30 баробарга, шахсий компьютерлар сони 1,73 баробарга, кир ювиш машиналари сони 1,10 баробарга, мобил телефонлар сони 1,41 баробарга, енгил автомобиллар сони 1,47 баробарга ортар экан.

**Хулоса ва таклифлар.**

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни қисқартиришнинг устувор йўналишлари бўйича тавсиявий характердаги қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик.

аҳолининг маълумотлилик (айниқса олий маълумотлилик) даражасини ошириш, касбий-малака даражасини ошириш бўйича масофавий (online) таълимни ривожлантириш;

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш аҳолида боқимандалик, дангасалик ҳиссини уйғотиши керак эмас. Шунинг учун ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳолини манзилли равишда қўллаб-қувватлаш;

кишилардаги дангасалик, ялқовлик хусусиятини камайтириш, уларни ўз қизиқишлари бўйича меҳнат қилиб даромад топишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

<sup>148</sup> Муаллиф ишланмаси.



аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини ошириш, йўқолиб кетган мулкдорлик ҳиссини қайта уйғотиш, мақсадли йўналишларда уларга имтиёзли кредитлар ва солиқ бўйича имтиёзлар бериш;

аҳолининг мавжуд имкониятларидан (дейлик қишлоқ жойларида томорқа ерларидан) самарали фойдаланмаслиги учун жавобгарликни кучайтириш;

аҳоли ўртасида анъанага айланган ўзбекчиликка хос бўлган дабдабали тўйлар, тадбирлар учун харажатларни қисқартириш ва бунинг учун жавобгарликни кучайтириш;

аҳолини тадбиркорликка қизиқтириш, ўқитиш, уларни тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида телевидения орқали ўз соҳасида улкан муваффақиятларга эришган етакчи тадбиркорлар орқали мастер-класслар ва суҳбатлар ташкил этиш, тадбиркорликни талқин этувчи фильмларни кўпроқ намойиш этиш ва бошқалар.

Мамлакатимизда ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражаси барқарор даражада ошиб борапти. Хусусан, 2030 йилга бориб, 2021 йилга нисбатан мамлакатимизда ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган телевизорлар сони 1,15 баробарга, совутгич ва музлатгичлар сони 1,03 баробарга, кондиционерлар сони 1,42 баробарга, электр чангютгичлар сони 1,30 баробарга, шахсий компьютерлар сони 1,73 баробарга, кир ювиш машиналари сони 1,10 баробарга, мобил телефонлар сони 1,41 баробарга, енгил автомобиллар сони 1,47 баробарга ортар экан.

#### **Адабиётлар / Литература/Reference:**

*Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. (2011) Aholi turmush tarsi va daromadlari. O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, – Б.18.*

*Абдуллаев Ё. (1998) Макроиқтисодий статистика. Ўқув қўлланма. – Т.: Меҳнат, – 181 б.*

*Абдураҳмонов Қ.Х. (2009) Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Меҳнат, – 357 б.*

*Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. (2010) Иқтисодиёт назарияси: дарслик; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 621-бет.*